



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 25-iyun. Payshanba • 73 (31.976)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

■ ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ПАЙТИДА

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётий самара бераётганига, фуқаролар уларни қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор иқрор бўлдик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган мажлисида бу фикр алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мажлисида депутатларнинг яқинда сайлов округларида олиб борган фаолияти натижалари кўриб чиқилди.



Йиғилишда сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар, ўрганилган маълумотлар атрофлича таҳлил қилинди. Фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмоновнинг таъкидлашича, учрашувларда фракциямиз ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Ҳаракат дастурлари»га асосан фракция аъзолари, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун



ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга батафсил ахборотлар беришди. Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, ижтимоий-



иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хавфсизликни таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин



эгаллаши борасида амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида яратилган қулайликлар чет эллик инвесторлар иштирокида муваффақиятли бизнес юритишга кўмаклашади. Ҳозирги пайтда биз электр анжомлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш масаласи юзасидан музокаралар ўтказиш учун Ўзбекистонга боришни режалаштирмоқдамиз.

Ф. Гароз,
«Electrical System»
компанияси президенти
(Испания).

■ ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



«БИЗ КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИМИЗ»

■ Наманган вилоят ёшлари форуми белгиланган режага мувофиқ Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйидан бошланди. ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбари Шохрух Абдурахмонов Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган шароит ҳамда имкониятлардан қўзланган мақсадлар хусусида гапирди, болаларга партия номидан эсдалик совғалари тақдим этди.

Учрашувда, шунингдек, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шодия Машрабованинг ЎзХДП депутатлари ҳомийлигида «Наманган» нашриёти томонидан чоп этилган «Меҳрим чечаклари» номли илк шеърый китобининг тақдими бўлиб ўтди.

► Давоми 2-бетда.

■ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Битирувчилар бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа

■ Олтинсой туманидаги Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 63 корхона 340 бўш иш ўрни билан қатнашган тадбирда 108 нафар киши ишлаш учун турли корхона ва ташкилотларга йўлланма олди.

— Битирувчилар бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа, — дейди Олтинсой туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзоси Баҳодир Тоғаев. — Шу боис асосий эътиборни мустақил ҳаётга

қадам қўяётган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратганмиз. Худудда 8 касб-хунар коллежи фаолият юритаётган бўлса, 2014-2015 ўқув йилида 7 минг 760 нафардан зиёд йигит-қиз уларни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Бугунча 2750 нафарга яқин битирувчи 1340 корхона билан уч то-

монлама шартнома тузишга эришди. — Меҳнат ярмаркасида бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилди, — дейди «Яккатут» маҳалласида яшовчи Зарнигор Худойназарова. — Касаначилик ва қўл меҳнати кўргазмаси барчада яхши таассурот қолдирди. Мутасаддилардан ҳуқуқий маслаҳатлар олдик. Корхоналардаги шaroитлар билан яқиндан танишгач, менда Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ишлаш иштиёқи туғилди. Ўзимга муносиб иш топганимдан хурсандман.

Ўз мухбиримиз.

■ ХУШХАБАР!

ҲАМЮРТИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ



Таиландда енгил атлетика бўйича Гран-При туркумидаги йирик халқаро турнир қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматининг хабар қилишича, мазкур мусобақани мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли бошлашди. Турнирнинг уч ҳатлаб сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Александра Котлярова 13.76 метр

натижа кўрсатиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, найза улоқтириш бўйича майдонга чиққан Бобур Шокиржонов 72.09 метр натижа қайд этди ва кучли бешликдан жой олди.

Диёр МАМАТҚУЛОВ

Х «Шарқ тароналари»



Жорий йил 25-30 август кунлари Самарқандда мазкур халқаро мусиқа фестивали ўтказилиши муносабати билан жаҳон ОАВда қатор мақолалар чоп этилмоқда, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Ватан сизга ишонади!



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!



■ Ижтимоий ҳимоя: инсон қадри улуғ

■ ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Сайловчилар билан учрашувлар пайтида

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётий самара бераётганига, фуқаролар уларни қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор иқдор бўлди

Президентимизнинг жорий йил 16 январь куни «Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, 23 январь куни Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижроси, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида билдирилган муҳим масалалар бўйича жойларда кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

— Фракциямиз аъзолари, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, пенсионерлар, нафақахўрлар, ногиронлар ҳамда меҳнатга лаёқатсиз ва вақтинча иш билан банд бўлмаган кишиларни ўйлантираётган масалаларни, ушбу соҳа бўйича қабул қилинган қонунлар ижросини таҳлил қилишди ва ўрганишди, — деди фракция аъзоси **Рустам Комилов**. — Ўтказилган 300 га яқин учрашув, давра суҳбати ва семинарларда 36 минг нафарга яқин сайловчи иштирок этди. Учрашувлар савол-жавобларга бой бўлди. Аҳоли вакиллари депутатларга 1300 дан зиёд мурожаат бўлди. 300 дан ортиқ мурожаат жойларда ҳал этилди, қолган мурожаатлар тегишли давлат идораларига юборилди ва назоратга олинди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

— Учрашувлар пайтида мамлакатимизда барча жабҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳаётий самара бераётганига, фуқаролар уларни қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор иқдор бўлди, — деди фракция аъзоси **Турсунпўлат Норбоев**. — Шунингдек, бугунги кунда фуқароларимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий фаоллиги, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, айниқса, ёшларимизнинг ўзига ва келажаққа ишончи ортиб бораётганини кўрдик.

— Илгари сайловчилар депутатларга аксарият ҳолларда фақат ижтимоий-маиший, баъзан шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилиш билан чекланар эди, — деди фракция аъзоси **Шухрат Турсунбоев**. — Аммо ҳозир ундай эмас. Эндиликда сайловчилар депутатларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳалари тўғрисида, депутат аъзо бўлган қўшма ва фракция фаолияти ҳақида саволлар билан мурожаат қилмоқда. Шунингдек, сайловчилар таълим, банк-молия, соғлиқни сақлаш, ўй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа масалаларига оид саволлар ва таклифларини билдиришди.

— Қабул қилинган қонунларнинг ижроси, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги, аҳоли, ху-

Қабул қилинган қонунларнинг ижроси, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги, аҳоли, хусусан, электорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нима қилиш зарурлигини ўрганиш учрашувлар давридаги фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлди.



Сайлов ШОТЛАГАНОВ олган суратлар.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий фаоллиги, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, айниқса, ёшларимизнинг ўзига ва келажаққа ишончи ортиб бораётганини кўрдик.

сусан, электорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нима қилиш зарурлигини ўрганиш учрашувлар давридаги фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлди, — деди фракция аъзоси **Саттор Раҳматов**. — Бундан ташқари, партияимизнинг устувор дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масаласи ўрганилди. Аввало, бу борада барча ҳудудда кенг қўлла-

ишлар олиб борилаётганини таъкидлашни истардим. Аммо ютуқлар билан бирга, айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам маълум бўлди. Уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Таъкидландики, фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти даврида фуқаролар томонидан 15 га яқин йўналишда масалалар кўтарилган. Айниқса, аҳолининг табиғий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар-

ни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция ййғилишида депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти якуни таҳлил этилди ва мазкур масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда сайловчилар кўтарган масалаларни умумлаштирган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига (мансабдор шахсларга) асослангиларини тушунтириш бериш бўйича сўровлар юбориш, қонун ижодкорлиги ташаббусларини кенгайтириш ва бошқа муҳим вазифалар ўз аксини топди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«БИЗ КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИМИЗ»



Шу куни форум иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, «Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — менинг бурчим» лойиҳаси доирасида Наманган шаҳрида иштирок қилаётган 103 ёшли Муҳаммадхон Отабоев, уруш ва меҳнат фахрийлари Сидей Хайриддинов, Лидия Филатова ҳамда Роҳатхон Дадабоевалар хонадонда бўлиб, уларга совғалар улаштирди.

Форумнинг иккинчи куни Наманган муҳандислик педагогика институтидан бошланди. Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎЗХДП фаоли, институт ректори Пахриддин Маткаримов, вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи раҳбари Дилором Абдурахимов ЎЗХДП ўтказиётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб, иштирокчиларни фаолликка қорлади.

Шундан сўнг шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган йигит-қизлар бўш иш ўринларига эга ташкилот, корхона ва муассасалар иштирокидаги «Меҳнат ярмарка»сида қатнашди.

— 2012 йилда Чуст педагогика коллежини тамомлаган эдим, — дейди форум иштирокчиси **Гулмира Холдорова**. — Орада ўқув курсларига қатнаб, олий ўқув юртига кириш учун билимларимни бойитдим. Меҳнат ярмаркасида вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бирлашмасида ишлаш учун йўлланма олдим ва бундан бағоят хурсандман.

«Коллеждан корхонага» лойиҳаси асосида касб-хунар коллежларидан ташриф буюрган ёшларга партия вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан тайёрланган меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат ва эслатмалар битилган «Битирувчи»га ёднома» тарқатилди.

Шунингдек, кўча жамоатчилиги қабулхонаси ташкил этилди. Бир гуруҳ ёшлар ўзларини ўйлантираётган турли масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар олишди.

Бир ярим минг нафарга яқин «истиқбол»чилар қамраб олинган форум доирасида «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» ўқув семинари, «Ёшларга оид қонунчилик ёшлар нигоҳида», «Ёшлар саломатлиги ва никоҳ», «Ижтимоий масалаларни ҳал этишда менинг иштироким» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Ёш сиёсатчилар клуби доирасидаги сиёсий дебатда йигит-қизлар «Оммавий маданиятнинг салбий таъсири адабиёт ва санъатнинг қайси тури ҳамда йўналишларида кўпроқ сезилмоқда?» мавзусида мунозара олиб боришди.

«Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» мавзусидаги семинар-тренингда тиббиёт ходимлари, педагог ва психологлар сўхатларига қатнашди.

логлар сўхат-саломатлик, юксак маънавият масалалари бўйича суҳбатлар ташкил этишди.

Куннинг иккинчи ярмида форум иштирокчилари «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танлови вилоят босқичини кузатишди.

Танловнинг «Лойиҳа тақдироти», «Билимдон сиёсатчи», «Нотиклик санъати» шартлари бўйича энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлган ЎЗХДП Наманган шаҳар Кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Исроил Аълоўжаев биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу куни 40 нафардан зиёд фаол ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ёшлар форуми «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими санъаткорлари иштирокидаги гала концерт билан давом этди.

Самарқанд иқтисодий ва сервис институтида бўлиб ўтган форумда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва вилоят кенгаши маъсул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Мазкур форумдан қўзланган мақсад ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, фаоллигини кучайтириш, уларни «оммавий маданият» каби ёт ғоялар таъсиридан асраш, ҳуқуқий-сиёсий билимини оширишга қаратилган эди.

Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда меҳнат қонунчилигида ёшларни, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ижроси самарадорлигини оширишга қўмаклашиш илгари сурилди. Шунингдек, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг уч томонлама шартнома асосида

бириктирилган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш жараёнида «устоз-шогирд» аънаъасидан янада кенг ва самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Коллеждан — корхонага», «Бугунги коллеж битирувчиси — корхонанинг эртанги таянчи», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» лойиҳалари доирасида амалий тадбирлар бўлиб ўтди. «Ёш сиёсатчи» клубининг «Истиқбол билимдонлари лигаси» интеллектуал ўйинларининг финал босқичи ўтказилди.



Алишер ИСМОИЛОВ олган суратлар.

зилди. Унда ҳудудий саралаш босқичларида муваффақиятли қатнашган 6 жамоа иштирок этди.

«Ёшларга оид қонунчилик ёшлар нигоҳида» лойиҳаси қатнашчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашди. Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси **Ёқуб Умаров** мамлакатимизда ёшларга оид қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларга тўхталиб, ййғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

«Бугунги талаба — эртанги мутахассис» мавзусидаги давра суҳбатида олий ўқув юрти битирувчилари билан тижорат

банклари, солиқ тизими, вилоят бандликка қўмаклашиш маркази вакиллари ўртасида очик мулоқот ташкил қилинди. Мулоқот давомида мутахассислар ёшлар учун яратилган имтиёз ва имкониятларлар тўғрисида гапиришди.

«Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди», «Ёшлар саломатлиги ва никоҳ» лойиҳалари доирасида тадбирда 6 жамоадан иборат «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари зарарли одатлар таъсиридан ҳимояланиш бўйича тезкор саволларга жавоб беришди, турли спорт ўйинлари элементларини бажаришди. «И-

стиқбол» ёшлар қанотининг ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Форум якунида лойиҳаларда фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар ЎЗХДП ташақкурномаси ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбир гала концерт билан якунланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг мазкур шиор остидаги ёшлар форуми Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятларда кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Абдурауф САТТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

■ ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД, ТАКЛИФ

■ Ҳар қандай сиёсий партия ўз ғояларини тарғиб қилмасдан сиёсий майдонда таъсир кучига эга бўла олмайди. Ҳозир мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида шаклланган кучли рақобат муҳити ҳар бир партиядан электорат билан иш олиб боришда замонавий усуллардан кенг фойдаланишни талаб этмоқда.

ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

партиянинг жамиятдаги нуфузини оширади

Мамлакатимиздаги бугунги сиёсий жараёнларда партиялараро сиёсий баҳс ва рақобатда ҳар бир партиянинг ўз электорати манфаатларини ифода этувчи ғоялари ҳамда унинг тарғиботи муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода ЎЗХДП дастурий мақсадларини, мамлакатимиз ўтган давр ичида ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришган муваффақиятларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида «Тарғиботчилар гуруҳи» фаолият кўрсатяпти. Ушбу гуруҳ таркибиде сиёсатшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунос олимлар, депутатлар, жамоат арбоблари, санъаткорлар тарғибот ишларини олиб борапти.

Бугунги кунда партиямиз Марказий Кенгаши томонидан тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман, шаҳар партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳлари таркиби янгиланди, улар таркибига олимлар, сиёсатшунослар, журналистлар, ўқитувчилар, шифокорлар, маҳалла оқсоқоллари жалб қилинди. Бугунги кунда уч минг нафарга яқин тарғиботчи партия дастурий мақсад ва вазифаларини партия электорати ва аҳоли ўртасида мунтазам тарғиб этиб келяпти. Улар малакасини янада оширишга ёрдамлаштириш, тажриба алмашишини йўлга қўйиш, фаолиятини такомиллаштириш мақсадида партия кенгашлари қошида «Тарғиботчилар клуби» ташкил этилган.

Мазкур йўналишда тарғиботчилар имкониятларидан кенг фойдаланиш ва ўз ўрнида уларни рағбатлантириб бориш борасида Ўзбекистон ХДП Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоят кенгашларида яхши тажриба тўпланган. Бироқ барча ҳудудларда ҳам тарғиботчилар гуруҳлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда билим ва малакадан ташқари нотиклик санъати юқори даражада бўлиши талаб этилади. Тарғиботчи ўз фикрини эркин ва ишончли баён этмаса, унинг сўзи таъсирчан чиқмайди. Демак бу тадбирнинг самараси ҳам кўнгилдагидек бўлмайди.

Тарғибот ишларида нутқ ҳамда маърузалар аниқ далиллар, электорат манфаатлари билан боғлиқ маълумотлар асосида тайёрланса, қизиқarli ва таъсирчан бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган ҳар бир тадбир аниқ мақсадга йўналтирилган, долзарб масалаларга бағишланган бўлиши керак.

Масалага шундай ёндашадиган бўлсак, партиямизнинг Андижон вилоятининг Улугнор, Бухоро вилоятининг Бухоро, Хоразм вилоятининг Шовот, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманларидаги партия ташкилотларимиз партиямиз ғоявий мақсадлари ва амалга ошираётган ишлари тарғиботи бўйича ўз фаолиятларига танқидий қўз билан қарашлари зарур бўлади.

Яқинда тарғиботчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва ҳудудларга етказилди. Ўйлаймизки, бу тавсиялар ана шу камчиликлар бартараф этилишида тарғиботчиларга яхши қўмакчи бўлади.

Бугун ҳаёт шуни талаб қилмоқдаки, партия тарғиботчиси аҳоли орасида кўпроқ бўлиб, партиянинг мақсадини тушунтириш билан бирга сиёсий позициясини ҳам катъий ҳимоя қилиши, тарафдорларни қўлайтириши, электоратимиз вакиллари он-гда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини ошириши лозим.

Акмал ТУРСУНБОВЕ,

ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудир.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

■ ЎЗХДП АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ ВА МАҚБУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛИШINI ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ МУҲИМ МАСАЛА, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.



■ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, БАРҚАРОР ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛМАГАН ОИЛАЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ФАРЗАНДЛАРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЎЗХДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР.

Бу йилги илмий конференция «Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги» мавзусида бўлиб ўтади. Унда олимлар, санъатшунослар, мусикашунослар, мусиқа фестивалининг раҳбарияти, бутун дунёдан келган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 25-iyun. Payshanba

73 (31.976)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

X «Шарқ тароналари»

Жорий йил 25-30 август кунлари Самарқандда мазкур халқаро мусиқа фестивали ўтказилиши муносабати билан жаҳон ОАВда қатор мақолалар чоп этилмоқда, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

■ Хиндистоннинг NRI Achievers журнали: «2015 йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида X «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади»

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Осиё ва жаҳондаги энг йирик фестиваллардан бири ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ва вазифаси миллий мусиқа санъатини тарғиб қилиш, халқларнинг тарихий анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш, мусиқа ва вокаль йўналишидаги иқтидор эгалларини рағбатлантириш, халқлар ўртасидаги қўйиш алоқаларини йўлга қўйиш ва янада муштакамлаш, тинчликни тараннум этиш, ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик алоқаларини ўрнатишдир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО

шафелиги остида ўтказиб келинмоқда. Фестиваль жаҳоннинг бетакор меъморий ёдгорлиги бўлган Регистон майдонида 25-30 август кунлари бўлиб ўтади.

Бутун дунёда тинчликни тараннум этиш «Шарқ тароналари» фестивали Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўтказиб келинмоқда.

«Шарқ тароналари» фестивали турли халқларга хос маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарни намойиш этиш талаби асосида ўтказилади.

Фестиваль жаҳоннинг нуфузли мусиқий форумлари орасида ўзининг муносиб

ўрнига эга бўлиб, унда иштирок этиш мақсадида бўлган санъаткорлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда таниқли санъаткор ва рассомларнинг фестивалда мунтазам иштироки эътиборга олинади ҳам тасдиқлайди.

Айни кунларда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг муносиб ўтказиш, меҳмонларни қутиб олиш, концерт дастурини юқори савияда ташкил этиш мақсадида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Форум иштирокчилари учун Тошкент ва Самарқанд бўйлаб саёҳат уюштирилади.

Фестиваль муносабати билан илмий конференция ўтказиш ҳам аниқ тусига кирган. Бу йилги анжуманда Шарқ халқларининг маданий ва мусиқий алоқалари муҳокама қилинади.

АҚШнинг eTurboNews.com сайти: «Шарқнинг йирик фестивалларидан бири»

«Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида ўтказилган IX «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида 60 га яқин мамлакатдан санъаткорлар қатнашган эди.

Фестивалда иштирокчилар миллий қўшиқларини ижро этиши, миллий мусиқа асбобларида куй чалиши керак бўлади. Улар ўртасида рақобат айнан миллийлик мезонига асосланади.

Бундан ташқари, илк фестивалдан бошлаб унинг доирасида илмий анжуман ҳам ўтказиб келинмоқда. Бадий ва мусиқий шоулар ҳам мунтазам равишда ташкиллаштирилади.

Бу йилги конференция «Шарқ халқлари мусиқа ма-



даниятининг муштараклиги» мавзусида бўлиб ўтади. Унда олимлар, санъатшунослар, мусикашунослар, мусиқа фестивалининг раҳбарияти, бутун дунёдан келган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашади.

Ҳозирги кунда Регистон майдонида ишлар қизгин давом этаётганига шубҳа йўқ. Фестивалнинг тантанали очилиш маросимига тайёргарлик авжида.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг иштирокида унинг нуфузини янада оширмоқда.

Бугунга қадар Регистон майдонида юзлаб халқларнинг миллий мусикаси жаранг сочди. Биринчи фестивалда 31 мамлакатдан санъаткорлар қатнашган бўлса навбатдаги санъат байрамида улар сони олтидан охирига қутилимоқда.

Темур Абсам тайёрлади.

Дунё

Кўкат истеъмол қилиш

мажбурий эмас, балки ихтиёрийдир

Кўкат, сабзавот ва мева-чева-ларни кўпроқ истеъмол қилиш саломатлик учун қони фойда эканлигини барчамиз яхши биламиз. Ва айримлар бунга қатъий амал қилади ҳам. Кўкатхўрлик, айниқса, Лос-Анжелес шаҳрида авж олган. Негаки, шаҳар кенгаши ҳар душанбани «вегетариан» кунини деб эълон қилган. Душанба кунлари гўшт маҳсулотлари истеъмол қилишдан тийилиш, ўрнига кўкат ва сабзавотлар тановул қилиш орқали саломатлигини тиклаш одат тусига кириб бормоқда.

«Fox News» қайд этишича, «вегетариан» кунининг жорий этилиши барча учун мажбурий эмас, балки ихтиёрийдир.

Тиббиёт олимлари берган манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкин, гўшт маҳсулотлари истеъмол қилишдан вақтинча тийилиш юрак-қон-томир касалликларини 19 фоизга камайтиради экан.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Астойдил ҳамкорлик — энг катта сармоя

■ «Микрокредитбанк» Китоб туман филиали ана шу мақсад йўлида ҳаракат қияпти.

Ҳали банк эшигини очмасимиздан, юз-кўзидан мамнунлик балқиб турган ёш йигитга дуч келдик. Танишдик: Санжар Аҳмедов 2013 йилда Сурум қишлоғидаги саноат хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битиргач, 10 миллион 700 минг сўм имтиёзли кредит олиб, ҳовлисида иссиқхона барпо қилибди. Бугун банкка яна янги лойиҳасини олиб келган экан...



Ха, иши битиб чиқаётганлар озмунча эмас. Бирок бундан 3-4 йил бурун бутунлай ўзгача манзара эди. Сармоя сўраб келганлар роса овера бўлишарди. Хар бир даврнинг ўз талаби бор. Аввало, Президентимизнинг 2013 йилдаги «Микрокредитбанк» фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган фармони, кейинги пайтда қабул қилинган ҳукумат қарорлари дастуруламал бўлмоқда. Тизим бошқаруви янги фикрлайдиган, ташаббускор, узоқни кўра олувчи етакчиларнинг келгани ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг тадбиркорлик йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш ҳақидаги фармони кескин ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бундай янгиликка интилишнинг банкнинг Китоб туман филиали мисолида ҳам кўрса бўлади.

— Ўзгаришларни илғаганингизни қаранг, — дейди филиал бошлиғи Ойбек Умрзоқов. — Демак, суҳбатимиз қувади. Ҳўш, нимадан бошлаймиз? Пул айланиши, кредитлар қорзин-қасиданими? Ха, бу курсаткиларни йўл-йўлакай тилга ол-

Бирорта мижоз норози бўлса, сабабини аввало ўзимиздан қидирамиз

дим. Билсангиз, 45 кишилик жамоамизда энди ҳеч қандай сансозликка йўл қўйилмайди. Бирорта мижоз норози бўлса, сабабини аввало ўзимиздан қидирамиз. Ширимиз — ҳамжихатлик ва талабчанлик! Ҳозир 2863 мижозга хизмат кўрсатяпмиз. Жумладан, 597 фермер ва 706 деҳқон хўжали-ги ҳисоби бизнинг банкимизда. Уларга ўз вақтида, кечик-тирмай пул кўчирмаларини ўтказиб бераймиз. Яна нима?

Жами 174 терминал очилган. Ҳозиргача мижозларга 21 минг 700 та пластик карточка тарқатилган. 2014 йил ва ҳозиргача пластик карточкалар орқали 66 миллиард сўмга яқин тўловлар амалга оширилди. Ўтган йили 12 миллиард 120 миллион сўмдан шу йилнинг беш ойида эса 8 миллиард 126 миллион сўмдан ошди аҳолининг омонат маблағлари жалб этилди. Қаранг, бу ишонч дегани! Бу қўшимча маблағлар имкониятимизни янада оширмоқда. Бошқа янгиликлар билан ўзингиз танишинг...

Мени қизиқтирган янгиликлардан бири — 59 мижоз «интернет банк» дан фойдаланиб бемалол ўз манзиллардан пул кўчириш имконига эга эканлиги ва 160 мижоз «СМС банк» орқали ҳисобидаги мавзуси эди. Бунга етарли маълумотлар тўпладим. 2014 йилда банк ўз маблағларидан 5 миллиард 311 миллион сўм, 2015 йилнинг 5 ойида 2 миллиард 124 миллион сўм кредит берди. Демак, бу ялли ички маҳсулотининг 70-75 фоизи кичик бизнес улуши бўлган Китоб тумани иқтисодиёти учун салмоқли ҳисса.

Туман кўпгина табиий бой-ликлар, маҳаллий хомашёга эга. Тузилган тараққиёт дастурига улардан самарали фойдаланиш режалари киритилган. Айрим ҳисобларга кўра, туманда 200 йилга етадиган мармар захираси мавжуд. Бугун Китобдаги тошни қайта ишлаш бир-лашмаси ўрнида ўнлаб цехлар пайдо бўлди. Агар ҳозир 70 дан ортиқ мармарни қайта ишлаётган кичик корхона бўлса, улардан 34 тасини ушбу банк молиялаштирмоқда. Масалан, «Воҳа машъали» МЧЖда блок гишт тайёрлаш цехи бор эди. Кейин мармартош қуқунидан бўёқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Айримлар маблағ бўлса қийофа, деб ўйлашади, — дейди МЧЖ раҳбари Санжаржон Ганиев. — Бу муносабат ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Менимча, банк билан муштаҳкам ҳамкорлик, бир-бирини англаш муҳитини яратиб ундан-да муҳим. Биз кўп йилдан буён ушбу банк хизматидан фойдаланиб келяпмиз. Ўтган

йили ҳам 310 миллион сўм кредит олди. Натижада бўёқ ишлаб чиқариш 1,5 баробар ошди. Ҳозир жами 70 киши меҳнат қияпти. Бугунги кунда ҳам янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз, уларни ҳам шу банкка тақдим қиламиз. Ўйлайман-ки, кўлаб қувватлашади.

Китоб қадимдан асл хўнарамандлар макони. Гилам тўқиш, каштадўзлик, дўппидўзлик хўнари санъат даражасида. Тадбиркор Наргиза Каримова ана шундай чеварларни жалб қилиб, шу йил банкдан 19 миллион сўм сармоя олди. Ҳозир 15 касаначи чевар тикаётган бўумларга харидор бисёр. Ўз бизнесини ташкил этишга иштиёқманд коллеж битирувчилари ҳам ҳар томонлама қўлаб-қувватлашмоқда. Аввало, 12 та коллежда тадбиркорлик, сармоялар ҳаракати ҳақида «Бизнес дарс» лар ўтказилди. Ўтган йили 20 та битирувчи 393 миллион сўмдан ортиқ, бу йилнинг ўтган даврида 8 битирувчи 198 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Яқинда Рим шаҳрида БМТ томонидан Озёқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни очарчиликка барҳам бериш бўйича сазъ-ҳаракатлари учун муко-



фотлаш маросими ўтказилди. Унда тақдирланган 14 давлатдан биттаси Ўзбекистон бўлди. Ҳақли равишда фахрланидиган ютуқларимиз ҳақида ўтган йили Тошкентда Озёқ-овқат масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда ҳам қайд этилган эди. Бу борада Китоб тумани ҳам республикада ўз ўрнига эга. Қулай иқлим шароити ва меҳнат ресурслари ту-

файли мазкур ҳудудда сабзавот, узум, мева катта миқдорда тайёрланмоқда. Шу сингари чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик тармоқлари ҳам ривожлана бошлади.

Аниқ мисоллар келтирайлик. Банк ўтган йили биргина иссиқхоналар қуриш учун 1 миллиард сўмдан ошди маблағ ажратди. Натижада ўнлаб тадбиркорлар ҳозир бозорларга маҳсулот чиқармоқда. «Фақум» фермасининг пахта титиш цехи бор эди. Ўтган йили 15 миллион сўм кредит олиб, 6 сотих майдонда иссиқхона қурди ва шу йилнинг ўзидаёқ 5 тонна помидор еттиштириб бозорга чиқарди. Демак, олинган кредитни бемалол банкка қайтара олади. Қартошқачилик ҳам ривожланиб борапти. Банк ўтган йили ва ҳозирга қадар уруғлик карточка учун 690 миллион сўмга яқин кредит ажратди. Жилисқон қишлоғидаги «Эзгу» фермер хўжалиги бугундан бугунга қадар уруғлик карточка эмокчи. Ҳамма нарса тахт. Бундай фермерлар анчагина.

Асаларичилик — туман учун янгилик эмас. Вилоятда 3 та ихтисослашган хўжаликлардан биттаси шу жойда эди. Хусусийлаштирилган, ўнлаб асала-ричлар пайдо бўлди. Маса-

банк бор, ниятимиз амалга ошади, — дейди у ишонч билан. Ўтган йили ва шу йилнинг 5 ойида у сингари асаларичиларга 301 миллион сўмдан зиёд кредит берилган тармоқнинг ривожига муносиб ҳисса бўлди.

Тадбиркор Шерзод Даминов каби ишбилармонларга икки йил орасида 220 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Натижада туманда балиқчилик ривожланиб бормоқда. «Муҳаррам кишимшозори» фермер хўжалиги 164 миллион сўм банк кредити ҳисобидан Германиядан 20 бош зотли ситир олиб келди. Ҳозир ситирлардан 21 бош соғлом бузоқ олинибди. Ташаббускор фермер яна 15 бош зотли мол сотиб олиш учун банк билан янги битим тузди. Умуман, банк зотли моллар сотиб олиш учун ўтган йили 1 миллиард 385 миллион сўм, шу йилнинг 5 ойида 794 миллион сўм сармоя ажратди.

— Бу улкан сармоялар туманда чорвачиликни ривожлантиришга қўшилган муносиб ҳисса бўлмоқда. Айниқса, Китоб туманида юртимизга кел-лаётган сайёҳларни жалб этадиган сўлим маканлар бисёр. Шундай манзиллардан бири — Тахтақорача дово-ни пойидаги Қайнар қишлоғи. Халқ бахчиси Абдулла шоир Нурали ўғлининг абадий макони. Шу қишлоқдаги «Онна-бозор бобо авлодлари» фермер хўжалигининг боғлари, яхши санаторияси бор эди. Дастур асосида 350 миллион сўм кредит олиб, янги имо-ратлар, кемпинг қурилишини бошлаб юборишди. Насиб этса, бу ер сайёҳлар қадам-жосига айланади.



«Микрокредитбанк»нинг Китоб туман филиали жамоаси тинимсиз ишлаб боради, истиқболга назар соляпти, мижозлар кўнглини оляпти. Уларнинг бундан-да ибратли ишлари кўп. Моҳир тадбиркор Санжаржон Ганиев айтганидек, фақат сармоя эмас, балки муштаҳкам алоқа ютуқларга эллади. Астойдил ҳамкорлик — тараққиётнинг олтин қалити.

Қарши, Шаҳрисабз, Китоб бозорларига етказиб бердик. Харидорлар маҳсулотимиздан рози.

Банк фаолияти билан та-нишар эканмиз, бошқа ибратли тажрибалар, изланишлар, битимлардан ҳам хабардор бўлдик. Масалан, Қашқадарё саноати салоҳиятини ошириш Давлат Дастури асосида 9 та лойиҳа тўла молиялаштирилибди. Шу мақсад учун ажратилган 625 миллион сўм маблағ ўз самарасини бермоқда. Шулардан бири — «Жавоҳир Ҳалимович» кичик корхонаси янги йўналиш — пойабзал ишлаб чиқаришга асос солди.

Қашқадарё вилоятида ту-ризмни ривожлантиришга оид ҳукумат қарори ва Дастури катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Айниқса, Китоб туманида юртимизга кел-лаётган сайёҳларни жалб этадиган сўлим маканлар бисёр. Шундай манзиллардан бири — Тахтақорача дово-ни пойидаги Қайнар қишлоғи. Халқ бахчиси Абдулла шоир Нурали ўғлининг абадий макони. Шу қишлоқдаги «Онна-бозор бобо авлодлари» фермер хўжалигининг боғлари, яхши санаторияси бор эди. Дастур асосида 350 миллион сўм кредит олиб, янги имо-ратлар, кемпинг қурилишини бошлаб юборишди. Насиб этса, бу ер сайёҳлар қадам-жосига айланади.

«Микрокредитбанк»нинг Китоб туман филиали жамоаси тинимсиз ишлаб боради, истиқболга назар соляпти, мижозлар кўнглини оляпти. Уларнинг бундан-да ибратли ишлари кўп. Моҳир тадбиркор Санжаржон Ганиев айтганидек, фақат сармоя эмас, балки муштаҳкам алоқа ютуқларга эллади. Астойдил ҳамкорлик — тараққиётнинг олтин қалити.

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

UZINTERIMPEX
The State Joint Stock Foreign Trade Company
Our experience is your success!

UZMARKAZIMPEX

■ МАДРИДДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САРМОЯВИЙ САЛОХИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН «ЎЗМАРКАЗИМПЭКС» ВА «ЎЗИНТЕРИМПЭКС» ДАВЛАТ ТАШҚИ САВДО КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР. ТАДБИР ЧОҒИДА ИСПАНИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2014 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТАҒСИЛОТЛАРИ ХАМДА 2015 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОРИКЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИЛАР.



■ ВЕНАДАГИ ГИЁХВАНД МОДДАЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҚЎМИТА КОТИБИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ. У РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ХАМДА АВСТРИЯ ПОЙТАХТИДА ЖОЙЛАШГАН БОШҚА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ТАДБИР ЧОҒИДА УНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ГИЁХВАНД МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШINI БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИЛАР.

ТАДБИР

Ватан сизга ишонади!

■ Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Оркестр садолари тантанали маросимга чорлайди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант Баҳодир Тошматов ёш офицерларни табриклаб, халқимиз тинчлиги, юртимиз осойишталиги ва рағнақи



йўлидаги фаолиятларига муваффақият тилади. Курсантларга тантанали равишда диплом ва лейте-

нантлик унвони топшириш маросими бошланди. Майдон марказига кетма-кет қақиралаётган битирувчиларнинг 49 нафарига имтиёзли диплом берилди.

— Бу лаҳзаларни унутиб бўлмайди, — дейди битирувчи Анваржон Ҳамроевнинг онаси

борлигини ҳис этишнинг ўзи бахт. Анваржон тирим, ҳақиқатда олдига интилувчан бўлиб улғайди. Айниқса дўстларига, яқинларига жуда сазоқатли. Бу фазилатлар ҳарбийлик касбига ҳам асқотади, деб ўйлайман.

— Билим юрти ташкил этилгандан буён 153 марта ўз битирувчиларини Куроли Кучлар сафларига йўлламоқда, — дейди билим юрти шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи Соҳибжон Фатоев, — Уларнинг 200 дан ортиғи юксак ҳарбий унвонга эришганлар. Хозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда билим юртида янги кафедралар ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар ўқув жараёнининг янада тақомиллашуви, билим юрти битирувчиларининг касб мақолақларини оширишга имконият яратди...

Биз ҳам битирувчиларга қарата «Йўлларингиз ойдин ва рағон бўлсин» деймиз!

Озода БЕКМУРОДОВА
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Асарнинг асосий ғояси бутунги кундаги глобал муаммолардан бири бўлган — табиатни, атрофимиздаги экологик муҳитни асраб қолишга қаратилган.

ТЕАТР ИБРАТХОНА

■ Таниқли шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қўчқор Норқобил пьесаси асосида режиссёр Нодира Маҳмудова томонидан сахналаштирилган «Заминдан олис кетма» драмаси Миллий академик драма театрида намоиш этилмоқда.

«Заминдан олис кетма»

Сўнгги пайтларда театр сахналарида қўйилаётган асарларга эътибор қаратадиган бўлсак, асосан комедия ёки қайта сахналаштирилган тарихий спектакллар эканининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кун нафасини берадиган, ҳаётимизда учраётган ижтимоий масалаларни кўтариб чиқаётган, умуман, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилган асарларни камроқ учратамиз. «Заминдан олис кетма» драмаси ана шундай бўшлиқни тўлдирishга хизмат қиладиган сахна асарларидан биридир.

Асарнинг асосий ғояси бугунги кундаги глобал муаммолардан бири бўлган — табиатни, атрофимиздаги экологик муҳитни асраб қолишга қаратилган. Парда очилиши билан томошабин диққатини табиат рамзи ҳисобланган улкан чинорлар ўзига тортади.

Драматург пьесада салбий қаҳрамонларга қарши курашадиган образни журналист тимсолида гавдалантиришга ҳаракат қилган. Томоша давомиди бу ўзини оқлаганини, сахна асари ишонарли чиққанини кўрамиз.

Асар бош қаҳрамони пулдор, у ҳамма нарсани пулга сотиб олиш мумкин, деб ҳисоблайди. Табиатни, ҳам ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Ҳатто болалар оромгоҳини ҳам эгаллаб олиб, бу ердаги асрий чинорларни кесиб орқали даромад олишни ўйлайди. Бироқ, у ўзининг ёвуз мақсадларига ета олмайд.

Асарда тугун тушишидан тортиб кульминация ва ечимгача маҳорат билан тасвирланган. Шунингдек, спектаклда севиғи-муҳаббат, вафо-садоқат каби инсоний туйғулар моҳирона тараннум этилган. Хар қандай ёвуз кучга қарши соф



муҳаббат билан қарши туриш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

— Спектаклда фабула — яъни воқеалар тизими изчиллиги таъминланган, — дейди санъатшунос Дилшод Шукuroв. — Иккинчи пардадан кейин томошабин бутунлай қаҳрамонлар ҳаёти билан яшай бошлайди. Кулса-кулади, йиғласа-йиғлайди. Айниқса, журналист йигитнинг ўлими ҳақидаги хабардан сўнг томошабин бутунлай дахшатга тушади. Демак, спектакль ўзининг дастлабки вазифасини бажарди. Яъни, томошабинни ларзага келтира олди.

Асарнинг яна бир қимматли томони унда жамиятдаги порахўрлик, ўз мансаб ваколатини суистеъмоли қилиш каби айрим иллатлар очиб берилган. Бу сахна асарининг бадий қиймати янада оширишга хизмат қилад.

Театр синтетик санъат тури ҳисобланади. Томошабин меҳрини қозониш эса унда иштирок этувчи ҳар бир ижодкорга боғлиқ, албатта. Шу боис театрда қўйилаётган ҳар бир пьеса энг аввало, режиссёр ва актёрлар кўмағида маромига етади. Ижодий гуруҳнинг ўзаро бир-бирини тўғри тушуна олиши эса муҳим аҳамиятга эга. Агар драматург айтмоқчи бўлган ғояни режиссёр тўлиқ очиб беролмаса, асар одамлар юрагига етиб бормайди.

Бир сўз билан айтганда, «Заминдан олис кетма» спектакли томошабини ўйлантирадиган, ижтимоий муаммолар ечимига бағишланган замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти акс этган томошабини ҳайратлантира оладиган етук асардир.

Ўз мухбиримиз.

Qishloq Qurilish Bank

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мазкур касб эгаларини муборакбод этади.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этади:

Миллий валютада:

«Кексаларга таъзим»
Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

«Кексаларни қадрлаш»
Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

«Жасорат»
Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

«Матонат»
Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

«Самарали»
Омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

«Имконият»
Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади

Омонатга ҳисобланган фойзлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фойзларга қўшимча тарзда фойзлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

AGROBANK

27 июнь – «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами билан Сиз қалам аҳлини муборакбод этамиз. Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини, ижодий ишларингизда муваффақият, оилавий ҳаётингизда эса бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз.

Уяли телефон орқали маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни Агробанк ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган «Мобиль савдо» тизими орқали содда ва тез тўловни амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

mobilsavdo
sodda va tez to'lov

Мобиль савдо стикери мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

Хорижий валютада:

«Percent»	«Profit»
Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.	Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
Омонатга маблағлар АҚШ доллариди қабул қилинади, фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	
Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қўйилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:	
«Мадад» Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.	«Хонадон» Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
«Қурилишга бошлангич бадал» Муддати - 1 йил.	
Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади	
Сизнинг омонатингиз: ❖ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод; ❖ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда; ❖ миқдори чекланмаган.	
Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz	
Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!	
Хизматлар лицензияланган.	

ООО «KRANTAS»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОЦИСТЕРНА-БЕНЗОВОЗ (МАСЛОВОЗ, НЕФТОВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³, 10м³, 12м³ И 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 6м³, 10м³, 12м³	АВТОГУДРОНОТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³ И 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4x4) ИЛИ (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.